

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



# Ishonch

2016-yil  
14-iyun,  
seshanba

№ 71  
(3732)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



ЖИЗЗАХ

## МЕХНАТ ЯРМАРКАСИ

Жиззахда ўтказилган меҳнат ярмаркасида 259 корхона, ташкилот ва муассаса 1000 дан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтказилган ярмарка доирасида корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, жумладан, «Жиззах» махсус индустриал зонаси таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ярмаркада 200 дан ортиқ иштирокчи мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўланма олди.

Ў.А.

НАМАНГАН

## НАВБАТ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА

Наманган вилояти агросаноат тизимидаги озиқ-овқат sanoati корхоналари ёш мутахассислари ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш озиқ-овқат sanoati ходими» таълими ўтказилмоқда.

Бугунгача вилоятнинг қатор туманларида дастлабки bosqich якунига етди. 2-bosqich musobaqalari ҳам қизгин руҳда бўлиб ўтмоқда. Натижаларга кўра «Наманган-Нестле» МЧЖ ходими Боситхон Холидов, Норин туманидаги «Сарвар» фермер хўжалигининг нон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ходими Зуҳридин Худойбердиев, Мингбулоқ туманидаги «Мужассам савдо» хусусий корхонаси қолипчи нон ишлаб чиқариш цехи ходими Ботиржон Исомиддинов танловнинг вилоят bosqichida қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Дилдора РАХМОНОВА,  
«Ishonch» мухбири

Бахтиёр болалар мамлакати



## «БОЙЧЕЧАК»ДА БЎЙ ЧЎЗГАН ЧЕЧАКЛАР

Тошкент вилояти Паркент тумани Сумча қишлоғи тоғ ён бағрида жойлашган «Бойчечак» оромгоҳини болажонларнинг шодон кулгиси тутган. Спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар, қизиқарли ўйинлар, бассейндаги зилол сувда маза қилиб чўмилиш, кутубхонада китоблар оламига саёҳат қилиш, турли тўғарақлардаги қизиқарли машғулот, гўзал ва мафтункор табиат манзаралари, янгидан-янги дўстлар сафининг ортиши, беғубор шўхликлар... Буларнинг бари уларга унутилмас таассурот, олам-олам завқ улашади.

— Оромгоҳимизга жорий мавсумда 3 навбатда 1000 нафарга яқин ўғил-қиз қабул қилинади. Улардан 625 нафарини хоразмлик болалар ташкил этади, — дейди «Бойчечак» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Миршоҳид Миракмалов. — Болажонларга 4 маҳал иссиқ овқат берилади. Гўшт, сут каби маҳсулотларни оромгоҳ қошидаги Шокирота фермер хўжалиғи етказиб бермоқда.

Дам олувчилар учун барча шароит муҳайё этилган бу сўлим масканда ҳозирда

биринчи навбатда мириқиб хордиқ чиқараётган 306 нафар ўғил-қизнинг 251 нафари Хоразм вилоятидан келган. Таниқли шоир-ёзувчилар, спортчилар билан учрашувлар, санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари «Бойчечак» бағридаги болажонларнинг янада мароқли хордиқ чиқаришига сабаб бўлмоқда.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,  
«Ishonch» мухбири.  
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Оромгоҳлар кучок очди

Сирдарёда жорий ёзги соғломлаштириш мавсуми уюшқоқлик билан ташкил этилиб, оромгоҳларда болаларнинг мазмунли дам олиши учун барча шароит яратилди.

Вилоятда режага кўра 19 та кундузги болалар оромгоҳида 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган 2800 нафар бола дам олдирилади. 3 та стационар турдаги оромгоҳ эса 2000 нафар болани бағрига чорлайди.

➤(2).

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Истиқлолнинг йигирма беш йиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, эришилган ютуқ ва марралар кўз ўнгимизда гавдаланади.



## Бу кунларнинг файзи бўлакча

Тарихан қисқа даврда муҳтарам Президентимизнинг сайёҳаракати, узоқни кўзлаб олиб борган оқилона сиёсати туфайли асрларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилди. Халқимизнинг кечаги куню бугунги ёрқин ҳаёти ўртасида катта фарқ борлиги аниқ ҳақиқат. Қўлга киритилаётган юксак натижалар замирида, энг аввало, халқимизнинг фидокорона меҳнати мусамма.

Ортимизга барқарорлик, халқимизга фаровонлик, кўнглимизга хотиржамлик, шижоат бағишлаган Истиқлол эпкинлари Навоий вилояти шаҳару қишлоқлари қиёфасида ҳам буй кўрсатмоқда.

Ортимиз осмони узра истиқлол куёши нур тарата бошлаганига йигирма беш йил бўлди. Мустақиллик тенгдоши бўлган йигит-қизлар бугун юрт қорига ярайдиган, турли соҳада фидойилик кўрсатаётган эл фарзандларига айланди. Тўғри, йигирма беш йил қисқа муддат. Аммо шу йиллар тарих зарварларига юртимиз ҳаётидаги буюқ ўзгаришлари билан битилди. Назар солсангиз, фуқароларимиз юз-кўзида шукроналик, бахтиёрлик ифодасини кўрасиз. Бу тинч ва тўқин ҳаётимиздан қониқиб ҳисси, албатта.

Чорвадорлар юрти — Томди тумани мустақиллик туфайли Қизилқум қўйнидаги мўъжизага айланди. Қум бағрида ястаниб ётган кўз илғамас кенгликлар узра хуш насимлар эсгани рост. Мустақиллик туфайли ўз меҳнати билан юрт равнақиға ҳисса қўиши истағида чўл кезган чўпонларга эътибор кучайди, уларнинг меҳнати қадрланиб, юксак давлат мукофотларига муносиб кўрилмоқда. Шунинг баробарида олис овулларда яшаб, юрт қадрини баланд тутиб келаётган фуқаролар турмуш тарзи тўдан ўзгарди. Янги Томди қўрғонда бир-биридан муҳташам бинолар қад ростлаётди. Томчилатиб сугориш орқали кўркам боғлар барпо этилганки, кўкнинг эҳсони — ёмғиру қор билангина тирик бўлган чўл қўйнида бундай мўъжизани кўриб, ҳам хайратдан ёқа ушлайсиз, ҳам яратувчанлик ишқи билан яшаётган инсонларга беихтиёр тасанно айтасиз.

Аваллари фақат чорвачилик худуди сифатида қаралган туманда бугун кўплаб ишлаб чиқариш субъектлари, ижтимоий комплекслар, корхона ва ташкилотлар фаолият юритаётгани кувонарли. Гоҳида туман марказида ёки ширкат хўжаликларидаги учрашувларда таниқли чорвадор, Ўзбекистон Қаҳрамони Серикбай Сағатов билан суҳбатлашиб қолам.

➤(2).

Қарор ва ижро

Президентимизнинг жорий йил 1 июндаги «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида Сурхондарё вилоятида ҳам ушбу ой кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

## Меҳр-оқибат ва саховат намойиши

Файзли бу ойда миллий қадриятларимиз кенг намоён бўлиб, ёши улуг инсонлар, эҳтиёжманд оилалар, ногирон ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий кўмак берилмоқда, турли маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида юртдошларимиз диний маросимларни эмин-эркин адо этиши, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини кенг нишонлаши учун барча шароит яратилди.

— Президентимиз қарорига асосан «Нуроний» жамғармаси ва Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлиmlари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Рамазон ойини миллий қадриятларимизга мос тарзда ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими раиси Урол Тошбоев. — Унга кўра, ушбу ойнинг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, сабр-қаноат туйғуларини, ёрдамга муҳтож қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда эҳтиёжманд оилаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик борасида тарғибот-тушунириш тадбирлари ташкил этилаётди.

➤(4).

14 июн — Бутунжаҳон донорлар куни

## Беморларга умид бахш этиб

2005 йил май ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқаро Ассамблеясида яқдиллик билан беғараз қон донорлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди. Шу тариқа ҳар йили 14 июн дунё миқёсида Бутунжаҳон донорлар куни сифатида нишонланади.

Таъкидлаш жоиз, Бутунжаҳон донорлар куни муносабати билан донорликни кенгайтириш бўйича қуйидаги ишларни амал-

га ошириш мақсад қилинган:

- инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун қон топширган донорларга ташаккур билдириш;
- беғараз, доимий, ихтиёрй қон донорлиғига ёрдам бериш;
- аҳолининг доимий равишда донорлик ҳақидаги тушунчаларини ошириш ва қон компонентларини яроқлилик муддати кам бўлганлиғи сабабли қон топшираётган донорларга маълум муддат ораллиғида доимий қон топшириб туришни тавсия қилиш;
- донорлар соғлиғига эътибор қаратиш ва уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш.

Бу йилги Бутунжаҳон донорлар куни учун «Қон бизни, ҳаммамизни бирлаштиради» мавзуси танланган. «Қон топшириб ҳаёт тўхфа қил» шиори остида



ўзаро жипслашиб, беғараз ва доимий қон топшириб, бошқалар ҳақида қайғуришга чақирилади.

Ушбу санада Тошкент шаҳри, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидан 6 нафар донорга «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўркак нишони ва гувоҳнома тақдим этилди. Шу билан бирга, барча худудларда доимий, беғараз донорлар ва донорлар ҳаракатини ривожлантиришда фаол иштирок этадиган ташкилотчиларни рағбатлантириш кўзда тутилган.

➤(4).

# Бу кунларнинг файзи бўлакча

№(1).

— Қарийб 50 йиллик фаолиятим давомида чорвачиликнинг кўлаб сир-синаотларидан воқиф бўлдим. Биз чўпонларнинг қийин кечган кунларимиз кўп бўлган, оғир дамларни кўрганимиз рост. Аммо давлатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳа сингари чорвачиликка ҳам кенг эътибор қаратила бошланди. Аввало, чўпон-чўлиқларнинг яшаш тарзи ўзгарди, турмуш даражаси юксалди. Қолаверса, улар меҳнати қадрлана бошланди. Айниқса, овулларимизда катта ўзгаришлар бўлди: болаларимизнинг билим олиши учун замонавий таълим даргоҳлари қурилиб, янги ўқув жихозлари, компьютерлар билан таъминланди. Фуқаролар саломатлиги мунтазам кўриқдан ўтказиб турилади, қиш мавсумида чўпонларга озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга иссиқ кийимларга тарқатилади. Марказдан анча олис ҳудудларда ҳам бу каби шароитлар яратилганки, буларнинг бари мустақиллик шарофати билан. Тинч ўтаётган тўкин ҳаётимизга, тўй кетидан тўй уланаётган шодумон кунларимизга минг бор шукрона айтсак арзийди, — дейди у кечаги ва бугунги кун ҳақида гап кетганида.

Собиқ тузум даврида ота-боболаримиз ҳатто оғилхонадаги қўй икита туққани учун маҳамада жавоб бергани бор гап. Бугун-чи?! Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий эрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, энг аввало, қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликларини сонини кўпайтириш учун зарур иқтисодий шарт-шароитлар яратишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бугун шахсий хўжалигида 100 бошдан ортқ қорамол бўлган юртдошларимиз кўпчиликини ташкил этади. Оилалар чорвачилик билан шуғулланиб, даромадидан уйлар қурмоқда, тўйлар қилмоқда.

Кейинги 10 йил мисолида таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, Навоий вилоятида чорвачилик соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, 2005 йилда вилоят бўйича барча тоифадаги хўжалиқларда йирик шохли моллар сони 234604 бошни ташкил қилган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 417671 бошга етди. Ушбу йилларда майда шохли моллар эса 359781 бошга кўпайган.

Ҳозир юртдошларимиз ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан кенг фойдаланиб яшайпти. Бунинг исботини тадбиркорлик, фермерлик, кичик бизнес соҳалари ривож мисолида ҳам кўриш мумкин. Оқдуй факт: вилоятнинг Учқудуқ ва Томди туманлари ҳамда Зарафшон шаҳрида кейинги 5 йилда 399 та тадбиркорлик субъекти, шунингдек, 468 та йирик саноат корхонаси ташкил этилганлиги юртимизда иқтисодий ўсиш суръати жадаллигидан дарак эмасми?!

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Биргина Навоий вилояти мисолида эътибор қаратсак, 2007 — 2009 йилларда ҳудуддаги соғлиқни сақлаш муассасаларига Ислоҳ тараққиёт банки томонидан 1 миллиард 936 миллион сўмлик, 2009 — 2010 йилларда эса «Қувайт» банки томонидан 1 миллиард 122 миллион 197 миң сўмлик, шунингдек, «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» ва «Саломатлик-3» лойиҳалари бўйича ҳозиргача қарийб 8 миллиард сўмлик тиббий жихозлар келтирилган. Марказлардан олиш ҳудудларда, чўл зоналаридан истиқомат қилаётган фуқаролар соғлиги ҳам алоҳида эътиборда.

Ўтган йилгирма беш йил мобайнида эришилган ютуқлар, ҳалқимиз ҳаётидаги юксалишларни рақамлар билан таҳлил қилиш шарт эмас аслида. Биргина ўзимиз истиқомат қилаётган маҳалламиздаги ўзгаришларни кўра олсак бас: ёшлар учун янги спорт мажмуаси, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, атрофи кўркам янги таълим муассасалари... Маҳаллада шунча-ю, демак, мамлакатимиздаги ўзгаришлар бундан минг чандон кўпроқ экан-да, деб ўйлайсиз беихтиёр. Аслида ҳам шундай.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мустақиллик бизга ниҳоятда катта имкониятлар туҳфа этди. Юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати, шаъни бебаҳо қадрият сифатида эъзозланмоқда. Қадримиз ҳам, қаддимиз ҳам тикланди. Осууда ва фаровон ҳаёт, ободлик, тўкинлик — буларнинг бари мустақиллигимизнинг энг олий нёъматларидир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободлик ишларини кузата туриб, кўнгилмиз тоғдек кўтарилди ва шу мўқаддас заминда яшаётганлигимиздан ифтихор туюмиз. Юртимиздаги бундай юксалишлар тинчлик туфайли таъминланаётганини барчамиз юксак қадрлашимиз ва уни мустаҳкамлаш учун курашмоғимиз даркор.

**Алим МЕНЛИҚУЛОВ,**  
Томди туманидаги «Керизбулок»  
ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати аъзоси

№(1).  
— Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# Танловда иштирок этмоқчиман

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга ватанпарвар йигит-қизларни тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишини кўлаб-қувватлаш мақсадида банк ходимлари ўртасида ўтказилаётган «Энг фаол ёш банк ходими» кўрик-танлови биз, ёшлар учун аниқ мудоа бўлди.

Ушбу танлов орқали банк тизимида илғор инновацион ғояларни тарғиб этишга имконият берилганлигини хурсанд бўлдим. Мен танловда «Банк тизимини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўлаб-қувватлаш орқали мамлакат иқтисодиётининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида банкларда бизнес масоҳат тизимини йўлга қўйиш» лойиҳаси билан иштирок этмоқчиман. Лойиҳанинг мақсади мижозлар учун банк хизматлари қўламини ошириш, улар учун қўлай шарт-шароит яратиш, тижорат банклари балансига олинган иқтисодий нозорат корхоналар фаолиятини тиклашга қўлақлашдан иборатдир.

Ҳозирда чекка туман ва қишлоқларда бизнес марказлари йўқлиги, кўлаб тадбиркорларнинг соҳада етарли иқтисодий билим ва салоҳиятга эга эмаслиги оқибатида аксарият корхоналар қўзланган натижаларига эришолмай, натижада тижорат банклардан олинган кредитни тўлай олмай бир қанча муаммоларга дуч келаётгани сир эмас. Мен илгари сураётган лойиҳада шу каби муаммолар ечим тақдим этилади. Жумладан, ҳар бир банкда кредит берилишидан олдин бизнес масоҳат хизмати, банк балансидаги корхоналарга банкнинг қучли иқтисодий билимига эга мутахассислари томонидан корхоналар фаолияти самарадор-



лигини ошириш ва иқтисодий нозорат корхоналар фаолиятини тиклаш мақсадида уларга мос стратегия, бизнес режа ишлаб чиқиш, имкон қадар етакчи корхоналар андозалар билан модернизация қилиш ишлари йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада,

муаммолар ҳолатлар кескин камайиб, тадбиркор фаолияти кенгайган, янги иш ўринлари яратилган бўларди.

**Фируз МУРОДОВ,**  
Халқ банкнинг Бухоро вилоят филиали Ички назорат шўъбаси мудири

**Хоразм вилоятида фаолият юритаётган «Урганч-бахмал» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган баркут матолар ва сифатли газмоллар ички бозордан ташқари қатор хорижий давлатларга экспорт қилинаётган.**  
— Жорий йилнинг биринчи чорагида 524 миң долларлик маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди, — дейди «Урганч-бахмал» масъулияти чекланган жамият раҳбари ўринбосари Рустам Худойбергенов. — Бунда хориждан келтириб ўрнатилган замонавий тўқимачилик дастгоҳлари муҳим омили бўлмоқда.  
Корхонада меҳнат қилаётган 200 ишчининг асосий қисми касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.  
**СУРАТДА:** корхона ишчиси Шаҳноза Жуманиёзова.  
**Ўза фотомухбири Шоназар ҚОРИЕВ олган сурат**



№(1).  
— Ҳалқимиз ҳаётидаги юксалишларни рақамлар билан таҳлил қилиш шарт эмас аслида. Биргина ўзимиз истиқомат қилаётган маҳалламиздаги ўзгаришларни кўра олсак бас: ёшлар учун янги спорт мажмуаси, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, атрофи кўркам янги таълим муассасалари... Маҳаллада шунча-ю, демак, мамлакатимиздаги ўзгаришлар бундан минг чандон кўпроқ экан-да, деб ўйлайсиз беихтиёр. Аслида ҳам шундай.

**Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилоят бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар 14226 нафар аъзони қамраб олган.**

## Мақсадимиз эзгуликдир

Белгиланган иш режага мувофиқ меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маданий-маърифий ва спорт ишларини яхшилаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бу ўринда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури муҳим омили бўлди. Бундан ташқари, тармоқ Республика кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар асосида тадбирлар режаси тузилиб, ижроси таъминланаяпти.

Жорий йил январь-май ойлари касб-

хунар коллежлари битирувчилари учун касабаси уюшмаси фаоллари иштирокида ўқув-машуғуллар уюштирилди. Тармоқ тизимида самарали фаолият олиб бораётган, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшаётган фаол хотин-қизлар, меҳнат фахрийлари рағбатлантирилди. Бошланғич ташкилотларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар, кексалик гаштини сураётган она-хонлар ҳолидан хабар олинди, совғалар тақдим этилди. Бундан ташқари, байрам арафасида корхона, ташкилот ва муассасаларда «Касабаси уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида «Аёл бор-

ки, олам мунаввар!» мавзусида тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, 550 нафар ишчи-хизматчи ҳамда нафақадagi кексалар ҳолидан хабар олинди ва моддий ёрдам кўрсатилди.

«Маънавият соатлари»ни ўтказишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Айни пайтда қадар 105 та ташкилотда шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

Дароқе, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турларига қизиқишини оширишга катта эътибор қаратилган. Чунончи, тармоқ ташкилотлари ўртасида «Соғлом оила» шiori остида вилоят спартакиадаси ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, тармоқ вилоят бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси эзгу мақсадлар йўлида изчил фаолият олиб бораётган.

**Илҳомжон СУЛТОНОВ,**  
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилоят бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси раиси

№(1).  
— Ҳалқимиз ҳаётидаги юксалишларни рақамлар билан таҳлил қилиш шарт эмас аслида. Биргина ўзимиз истиқомат қилаётган маҳалламиздаги ўзгаришларни кўра олсак бас: ёшлар учун янги спорт мажмуаси, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, атрофи кўркам янги таълим муассасалари... Маҳаллада шунча-ю, демак, мамлакатимиздаги ўзгаришлар бундан минг чандон кўпроқ экан-да, деб ўйлайсиз беихтиёр. Аслида ҳам шундай.

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасида кенг қўламли ислоҳот амалга оширилмоқда. Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини юксалтиришга доир қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари асосида олиб борилаётган саёй-ҳаракатлар туфайли барча бўғиндаги тиббиёт муассасалари фаолияти замон талаби даражасида йўлга қўйилмоқда.**

Бундан ташқари, тармоқ вилоят бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси эзгу мақсадлар йўлида изчил фаолият олиб бораётган.

## Ходим манфаатдор бўлса...

Бундан ташқари, тармоқ вилоят бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси эзгу мақсадлар йўлида изчил фаолият олиб бораётган.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимига берилаётган эътибор маънасида тиббиёт кадрлари тайёрлаш янада такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, мутахассисларнинг назарий билиминини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Ойжамол Эшова. — Билан вазифамиз эса аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш баробарида, соҳа мутахассислари манфаатини ҳар томонлама ҳимоялаб, уларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам беришдир. Клиникамиз касабаси уюшмаси қўмитаси 2009 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда 973 нафар аъзо бор. Уларнинг меҳнат ва дам олиш шароити жамоа шартномаси орқали мустаҳкамланган. Иш бевуричи билан биргаликда жамоа шартномасида белгиланган бандлар ижросини қатъий назоратда олганмиз. Касабаси уюшмаси қўмитаси ҳар бир ходимнинг яшаш тарзи, моддий аҳолининг ўрғанишга ҳаракат қиламан. Касабаси уюшмаси фаолларнинг тавсиясига кўра ходимларга моддий ёрдам кўрсатилади, санаторийларга имтиёзли йўланмалар асосида саломатлиги тикланади.

Ишчи-ходимлар, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш мақсадида касабаси уюшмаси қўмитаси ва

маъмуриятнинг ижтимоий шериклик борасидаги асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўтган йил 16 нафар ходим юртимиз сиз ҳаттоҳларида саломатлигини тиклаган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 11 нафар ходимга ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан йўланмалар берилди. Икки нафар аёл «Умид гулшани» санаторийсида бепул даволанди. Клиника ходимларининг маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида 48 нафар ишчининг Тошкент вилоятидаги хушҳаво масканлар ва зиёратгоҳларга саёҳати ташкил этилди.

Йил дастурида белгиланган чора-тадбирлар доирасида 856 нафар ходим бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шунингдек, байрам ва турли саналарда соҳада кўп йиллар фаолият юритиб, ани пайтда нафақад бўлган меҳнат фахрийларини тақдир этиш, уларга ҳамда фаол ходимларга маъмурият ва касабаси уюшмаси қўмитасининг совғаларини топишириш аънаънага айланган.

Бир сўз билан айтганда, касабаси уюшмаси тизимидаги ўзгаришлар, берилаётган имтиёزلардан ҳар бир ходим манфаатдор эканини аниқлаб етмоқда. Жамоанинг яқинлиги, қолаверса, иш бевуричи билан ижтимоий шерикликда ишчиларга қўлай меҳнат шароити яратилиб, мурожаатлар тезда ечим топаётгани намунали муҳитни шакллантиришга хизмат қилаётган.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**  
«Ishonch» мухбири

## Оромгоҳлар кучоқ очди

№(1).

Кунини кеча 200 нафар сирдарёлик болажон Зомин туманида жойлашган «Гулистон» оромгоҳига жўнаб кетди.

— Тоғ бағрида жойлашган оромгоҳда дам олишни истовчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қаршибой Эшназаров.

Сирдарё тумани Шоликор СИУ ҳудудидаги «Сирдарё» оромгоҳи мавсум давомида 840 нафар ўғил-қизни бағрига олади. Фарзандлари билан бу ерга келган ота-оналар шароит билан танишиб, хурсанд бўлишиди.

— Фарзандимни ёзининг жазирама иссиқ кунлари шундай сўлим маскан қўчоғига топширишни лозим топдим, — дейди Гулистон шаҳридаги «Қувонч» мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Б.Шералиева. — Бу ерда биноларнинг таъмирдан чиқарилиб, чиройли жиҳозлангани, ошонанинг замонавийлиги бизга жуда ёқди.

— Ушбу оромгоҳга бешинчи бор келишим, — дейди Гулистон шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гўзал Мамедова. — Тарбиячилар жуда меҳрибон, турли тўғрақлар ишлайди. Ҳар йили бадиий гимнастика ва рақс тўғрагига қатнашамиз. Тўғрақ раҳбаримиз Мадина опа бизга ҳар бир ҳаракатни кунт билан ўргатади. Мен билан бу ерга 5 нафар дугонам биринчи бор келишим. Ўйлайманки, оромгоҳ ҳаёти уларга ҳам ёқди.

— Оромгоҳимизда бадиий-ижодий ҳамда спорт, инглиз тили тўғрақлари ҳам фаолият юритади, уларда шуғулланиш болажонларимизга хуш ёқибди, — дейди «Сирдарё» оромгоҳи бош етакчиси Умид Наврузов.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**  
«Ishonch» мухбири



# Беморларга умид бахш этиб

«1».

**ТАНАМИЗНИ МЕЪЁРЛАШТИРУВЧИ СУЮКЛИК**  
Қон танадаги барча ҳужайра ва тўқималарни бир-бири билан боғлаб, меъёрий фаолият учун зарур бўлган ички муҳит давомийлиги (гомеостаз)ни сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Томирларда ҳаракатланаётган қон организмда бир қанча вазифаларни бажаради. У тўқималарга озиқ моддалар (масалан, глюкоза, аминокислоталар, ёғлар, витаминлар, минерал моддалар ва сув, шунингдек, ўпқадан қонга ўтайдиган кислород)ни етказиб беради. Кейин эса буйрақлар, тер безлари, ўпка ва ичаклар орқали организмдан чиқариб юборилган одда алмашинувнинг охириги маҳсулотлари (аммиак, мочевино, сийдик кислотаси ва карбонат ангидрид)ни тўқималардан олиб кетади. Гормонлар ва бошқа физиологик фаол моддаларни бир ҳужайрадан бошқасига ташиб беради.

Қоннинг вазифаларидан яна бири — ҳимоя функцияси. Чунки қонда лейкоцит ҳужайралари бўлиб, улар организмга тушган ёт жисмлар (микроб, бактерия, вирус ва бошқалар)ни емиради, парчалаб (фагоцитоз), уларнинг зарарларини зарарсизлантиради. Танадаги ҳароратнинг бир маромда ушлаб турилишида ҳам

қон иштирок этади, у ҳарорати юқори аъзолардан ҳарорати паст аъзоларга иссиқлик элтади.

Қон плазма ва ундаги шаклли элементлар — эритроцитлар (қизил қон таначалари), лейкоцитлар (оқ қон таначалари) ва қон пластинкаларидан иборат. Плазма қон ҳажмининг 55-60 фоизини ташкил қилса, қолган 40-45 фоиз эса шаклли элементлар ҳиссасига тўғри келади. Демак, қоннинг қийматини ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди. Қон ва унинг таркибий қисмлари қон касалликларидан — оғир даражали камқонлик, оққон (қон саратони — лейкоз), қон ивиш тизими бузилиши (гемофилия), саратон касалликларидан, оғир кечадиган тўғруқлар, она ва бола ҳаётини сақлаб қолишда ва турли хил фавқулдда ҳолатларда муҳим аҳамиятга эга.

## ТАРИХГА БИР НАЗАР...

Инсониятнинг қони даво сифатида қўллаш узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимги Мисрда кексаларга ёшлар қони қўйилган. Қон билан бирга уларнинг кучи ўтади деб ҳисоблаган. Турли беморлар қон олдириш йўли билан даволанган.

Муваффақиятли қунланган илк қон қўйиш 1665 йил инглиз физиолог Ричард Лоуэр томонидан амалга оширилди. У ит томиридан қон олиб унинг бошқа томирига қўйган. 1667 йили эса француз врач Жан-Батист Дени қўзиқ қонини инсонга қўйган. Бемор аҳоли яхшиланиб, тузалгандан сўнг ўз қонини ихтиёрий равишда бошқа беморга қўйишни таклиф қилган. Парижнинг чекка даҳасида яшовчи волонтер инсоният тарихида илк донор ҳисобланади. Шундай қилиб трансфузиологиянинг биринчи босқичида (қадим замондан бошлаб то 1901 йилгача) қон қўйиш мумкинлиги исботланган бўлса, иккинчи босқичида иммуногематология ривожланишига эришилди.

1901 йил австриялик врач

Карл Ланштейнер одамлар қони эритроцитлардаги агглютиноген, плазмадаги агглютининларга қараб бир-биридан фарқ қилишини аниқлади ва I, II, III қон гуруҳларини кашф этди. У биринчи бўлиб бир хил қон гуруҳига мансуб бўлган инсонлар орасидаги қон қўйишлар эритроцитларнинг парчаланishiга олиб келмай, балки шок, сарғайиш, гемоглобинурия ва қон қўйишдан кейинги асоратлар фақат бошқа қон гуруҳига мансуб инсонлар орасида қон қўйилганда кузатилишини исботлади. Бу кашфиёти учун у 1930 йили Нобел мукофотига сазовор бўлди. 1902 йил Декастелло ва Стурли IV қон гуруҳини аниқлади. 1915 йилдан бошлаб қон қўйишда унинг ивиб қолишининг олдини олиш учун цитрат натрий қўйишини амалиётга киритди. 1940 йил А.Винер янги антиген тизими — резус омилни аниқлади.

Ўзбекистонда 1930 йили Урта Осиё университети тиббиёт факультетининг жарроҳлик клиникасида қон қўйиш хонаси ташкил қилинган. 1933 йил бу хона марказий қон қўйиш станциясига айлантирилди. 1940 йил Қон қўйиш институтига айлантирилди. 2015 йил октябр ойидан бошлаб эса қон қўйиш станцияси ушбу институт тасарруфидан чиқарилиб, Республика қон қўйиш маркази мақомига эга бўлди.

## ДОНОР СОҒЛОМ БЎЛИШИ ШАРТ

Беминнат қон топириб, бошқалар ҳаётини сақлаб қолишга ўз хоҳиши билан ҳисса қўшадиган 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган соғлом инсонлар қон донорлари ҳисобланиб, улар, аввало, қон марказларида тўрт босқичли тиббий текширувдан ўтказилади. Соғлом киши учун қон топириш, албатта, хавфсиздир. Чунки, одам организмда 4,5-5 литр қон мавжуд бўлиб, ундан 400 мл. олинади. Организм 36 соат ичда йўқотилган ушбу суюқлик ўрнини тиклаб олиш хусусиятига эга.

Ҳақон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсияларига кўра хавфсиз қон фақатгина берадиган донор кўмаги билан тайёрланади ҳамда қонни таркибий қисмлари ва препаратларига бўлган эҳтиёжни қоплаш учун ҳар 1000 нафар



аҳолига 40-60 та донор қон топириши керак бўлади.

Давлатимиз томонидан қон хизмати муассасаларини янада такомиллаштириш, қон ва унинг препаратлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қон хизмати билан шуғулланадиган тиббиёт муассасалари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаётир.

Аҳоли ўртасида бегараз донорликни ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим. Бугунги кунда ёшлар орасида бадалсиз донорликни ташкил қилиш, уларни раҳмдиллик ва инсонийлик руҳида тарбиялаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш дастури» ишлаб чиқилган.

## ИНСОН ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНСА...

Донорлик жамиятимизнинг ҳар бир соғлом аъзоси учун бурч бўлиши зарур. Бу борадаги тарғибот ишлари барча жамоат, нодавлат, хайрия ташкилотлари, турли хил жағғармалар иштирокида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Донорлик нафақат амалий, балки ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Донор қон топириш экан, у фақат ўзгалар ҳаётини сақлаб қолмай, аксинча ўзининг соғлигини яхшилашга эришади. Бугунги кунда иқлим ва экологик муҳитнинг ўзгариши натижасида юрак қон-томир касалликлари кўпайиши кузатишмоқда. Бу касалликдан сақланиш учун ҳам вақти-вақти билан қон олдириш фойда муҳим ҳисобланади. Соғлом организм учун қон топириш ҳеч қандай зарар етказмайди. Аксинча, танада қон ҳаракати энгиллашиб, тўқималарга озуқа ва кислороднинг етиб бориши осонлашади, юрак фаолияти яхшиланади.

«Ishonch» мухбири  
Давронбек ОРИПОВ  
тайёрлади.

## Меҳр-оқибат ва саховат намойиши



«1».

Маълумотларга кўра, айни пайтда вилоятда 140 дан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 136 нафар юз ёшдан ошган табарруқ отахон ва онахонлар истиқомат қилмоқда. Улар мамлакатимизда диний маросимлар ва миллий урф-одатларимизни тўла-тўқисин адо этиш учун кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилаётган шароитлардан мамнун.

— 105 ёшга кирдим, ҳаётда кўп қийинчилиги машаққатлар кўрдим, — дейди Жарқўрган туманидаги «Порлоқ юлдуз» маҳалласида истиқомат қилаётган Мамаюсуф ота Зиёқулов. — Йигитлик йилларимиз далада оғир меҳнат қилиб, Рамазон, рўза каби сўзларни айтишдан қўриқиб яшадик. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланиб, барча диний арконларимизни бекам куёт бажариш учун барча шароит яратилди. Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон. Шундай қутлуг кунларда бугунги тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, инсонийлик, маънавий поклик каби фазилатларни ёшларга, набираю чеварларимга тушунтираман. Юртнинг ёшу кексасига бирдек ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизнинг умрлари узоқ бўлсин, деб дуо қиламан.

Вилоятда Рамазон ойини тинч-осойишта, эзгу аъёнларимизга мос ўтказишда нурунийлар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тизимиси, профилактика нозирлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу борада амалга оширилаётган барча ишлар мамлакатимизда осуда ва обод ҳаётни, халқимиз ўртасида меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎЗА мухбири

## Муносибат

# Исмимиз — ҳуснимиз

уни топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Чақалоққа исм қўйиш — ота-она зиммасидаги вазифа. Баъзилар ҳали гўдак дунёга келмасидан унга исм топиб қўйишади. Бобо-буваларимиз тугилмаган болага исм қўйиш, кийим олиш мумкин эмас, дея ирим қилишган. Бунда кўз тегиши ҳисобга олинган бўлса, ажабмас.

Исм қўйиш катта масъулият талаб этади. Инсон, аввало, қўйилаётган исми қайси миллатга хос, унинг асл маъноси қандай, фарзандига қандай таъсир кўрсатади, буларнинг барчасини инобатга олади. Негаки, исм — инсон юзи ва хуснидир. Исмимиз — ҳуснимиз, деб бежизга айтилмаган.

Баъзи исмларни эшитганда дилингиз қувонади, мен ҳам фарзандимга шу исمنى қўйсам бўлар экан, дея ният қилаёсан. Шунингдек, исм эгасига муносибатингиз ҳам ижобий бўлади. Бу олимлар томонидан исботланган. Шунинг акси ўларок, баъзи миллатдошларимизнинг исмини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Масалан, Гадоийбой, Маркс, Александр, Тохта, Ангилка, Заир ва ҳоказо. Бундай исмларнинг қўйилиши ота-оналар эътиборсизлиги, лоқайдлиги ва билим даражасининг пастлигига бориб тақалади.

Собиқ Иттифок даврида русча исмлар кириб келиши билан бирга, ҳужжатларда ўзбек исмларни ёзилишида ҳам жуда кўп имловий хатоликларга йўл қўйилган. Афсуски, қўпол хатоликлар билан ёзилган номлар ҳозир ҳам мавжуд. У ер-бу ерда Туляган, Исхак, Токтаходжа, Ярмак, Якуб каби исмларга кўз тушганда беихтиёр гаш келади. Аслида, Тўлаган, Исхок, Тўхтаўжа, Ермак, Ёқуб деб ёзилганда ҳамда шу тарзда айтилганда исмлар маъносига путур етмаган бўларди.

Яқинда интернет сайтла-

ридан бирида баъзи юртдошларимизнинг исмлари, улар ҳақида ёзилган мақола-ларга кўзим тушди. Биттасининг оти Абу Али ибн Спартак экан. Изоҳга ҳожат йўқ, назаримда. Бошқа бирининг исми-фамилияси Роберто Баджо Сафаров эканига нима дейсиз? Замондан илгарилар кетган юртдошларимиз фарзандларига Роналдо, Ишани, Ранвир, Чирак, Месси, Марадона деб ном қўйганларини эшитиб, ёқа ушлагандим. Энди бир тасаввур қилинг, кун келиб бобо-буви бўлган, набиралари уларни Ишани буви, Месси бобо деб қаҳрадимиз?

Яна бир масала — ҳар қанча дашном бермайлик, тартибга солишга уринмайлик, исмларни қисқартириб, чала айтишдан қутула олма-яймиз. Уйланг, ахир биз қачонгача Нажмиддинни Нажи, Шухратни Шух, Музаффарни Музик, Гулчехра, Гулсараларни Гуля, Гули деб қаҳришда давом этаймиз.

Азалдан ота-боболаримиз исмларга жон, хон, бону, бек каби сўзларни қўшиб айтишган. Бунинг замирида яхши қўриб, эркалатиб айтиш, хурмат маънолари ётади. Исмларимиз — бобоҳо миллий бойлигимиз, минг йиллардан бери давом этиб келаятган боқий қадриятимиздир. Унга нисбатан муносибатимиз миллатга, аъёнларга бўлган хурматимизни белгилайди.

Зултура КАРИМОВА,  
Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси

## Касаба уюшмалари — болаларга

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимидаги «Кўприкқурилиш трести» унитар корхонаси бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан «Спорт — соғлиқ гарови» мавзусида болажонлар учун эстафета ташкил этилди.

# Спорт — соғлиқ гарови

Мусобақа 67-кўприкқурилиш отрядининг «Чиноз» дам олиш уйида ўтказилди. Унда корхона ходимларининг 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган 36 нафар фарзанди қатнашди.

Жаҳжи иштирокчилар ўз жамоаларида «Кўприклар», «Тоннеллар» ва «Темир

йўллар» дея ном беришди. Мурсосиз кечган эстафета мусобақасида «Тоннеллар» жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Расм чизиш шартида эса «Кўприклар» жамоасига етадиган топилмади.

— Мазкур йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўиши мақсадида бир-

лашган касаба уюшма кўмитамиз томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Байрам Абдуллаев. — Айниқса, жисмонан соғлом, маънавий етуқ ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига касаба уюшма кўмитаси томонидан алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадбир сўнггида ғолиб ва иштирокчиларга «Кўприкқурилиш трести» УК бирлашган касаба уюшма кўмитаси ва корхона маъмурияти томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Дилафрўз КАРИМОВА

## Меҳнат қилган элда азиз

1943 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Маҳфуза опа ёшлигидан билмига чанқоқ бўлиб улғайди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет)га ўқишга кирди. Илмга интилиши, изланувчанлиги, ташаббускорлиги билан устозлари эътиборига тушди. Ўқишни битириб, Шайхонтоҳур туманидаги 4-болалар кутубхонасида иш бошлади. Сўнг 167-мактабда кутубхона мудираси, 1978 йилдан жорий йилгача Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида кутубхона фонди услубчиси лавозимларида ишлади. Жамоада 38 йил давомида касаба уюшма кўмитасига раислик қилди. Бу даврда ходимлар қалбига яқин бориб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ҳамда ташкил этиш бўлими, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши Маҳфуза Шарипованинг соҳадаги кўп йиллик самарали меҳнатини қадрлаб, пенсияга кузатиш тadbирини уюштирди. Унда қатнашган таълим муассасалари раҳбарлари, фахрий устозлар, ёш мутахассислар ўқувчилар томонидан опанинг ҳаёт

Инсон умрининг асл қиймати унинг юксак фазилатлари, одамларга яхшилик қилиб яшаши, дўстга садоқати, фидойилиги ва меҳнатқашлиги билан ўлчанади. Бу ҳақда гап кетганда бирдан ҳаёлимга бутун ҳаётини зиё таратишга бағишлаган Маҳфуза Шарипова келади.

# Ибрат мактаби

йўли, тизимда амалга оширган эътиборга моллик ишлари эътироф қилинди.

— Маҳфуза опа меҳнат фаолияти давомида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатди. Касаба уюшма раиси сифатида соҳа ходимларининг муаммолари барҳам топишида қўлидан келганча ўз ҳиссасини қўшди. Уларнинг дарди билан яшаб, қувончига шерик бўлиши ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билди, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Дилнора Улмазова. — Биз, шогирдлар касаба уюшмалари тизимида мактаб яратган устознинг ўғит ва маслаҳатларига ҳамиша таянамиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,  
«Ishonch» мухбири.  
Икром ҲАСАНОВ олган сурат



## МУАССИС:



2007-йил 11-январда  
O'zbekiston Matbuot  
va axborot agentligida  
0116-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

## Bosh muharrir:

Jahongir  
Sharofboyev

## Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in  
Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek  
Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan  
Bedilov, Asror Ishanxodjayev,  
Muhabbat O'monbekova,  
Oksana Belousova, Timur Mamajonov  
(bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshch

## BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

## Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba,  
payshanba va shamba kunlari  
chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishli  
shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

## HUQUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston  
Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

## Navbatchi muharrir:

A Abdullayev

## Navbatchi:

S.Abdurahmonov  
Musahhirlar:  
S.Shodiyeva

## Sahifalovchi:

H.Abdullajilov

## «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta o'zbek usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma t — 615.  
20632 nusxada bosiladi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga hujjatlash vaqti — 20:40  
Tayyorlik vaqti — 21:00

1 2 3 4 6